

# ТОНГЮЛАУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 20 (65995)  
1997 йил, 8 март, шанба

Сотувда эркин  
нархда

## ҲАММАДАН БАЛАНДДИР ОНА МАНСАБИ

Ано ўрнин ато тутмас ўғулға,  
Ки мумкиндур ўғил бўлмоқ  
атосиз.  
Масиҳо бирла Марямдин қиёс  
эт,  
Ки имкон ўқтурур бўлмоқ  
аносиз,

деб Навоий бобомиз ёзган эканлар. Биз 8 Март Халқаро хотин-қизлар кунидай байрам билан ота-ларимизни, ака-укаларимизни табриклимоқчимиз. Чунки чиройли кийинган, гулу совгалардан кайфияти кутарилиб, гулдек очилган оналарни, опа-сингилларни кўрмоқ удар учун байрам-да, ахир. Одадек меҳрибон, опа-сингиллардек дилкаш дилдоралар борми, биз учун. Байрам баҳона уларни ҳамиша шундай гузал булиб юришларни орзулаймиз. Оналарнинг овги остида «равза жаннату жинон боги», — экан, баҳорга меҳр тафти билан кўрк улашаётган, садарайхону усмалар экиб, гулчечакларни парвариш қилаётган оналаримизга боқиб, таҳририятта келган ноҳуш хатларга чекингимиз келди.

Фаргона вилояти, Фурқат тумани Чилгижийда қишлоғига 400 дан ошиқ оила бор. Завқий номли мактаб, «Гунча» болалар бօғчасида 2 мингдан ортиқ болалар тарбияланадилар, таълим оладилар. Шу қишлоқлик Мақсадали Тошбулатовнинг ёзишича, қишлоқ аҳли қишдан ҳар галгидек қийналиб чиқишибди. Кундан-кун ишлар тўғри ташкилланиб, турмуш яхшиланиб бораётган бир шароитда қишлоқ аҳодиси гоҳ тут, гоҳ тол дарахтини тунларда яширинча кесиб, утин қилиб совуқдан жон саклашибди. Мактаб ва бօғчадагилар эса (ҳалиям, раҳмат, хужалик раҳбарларига, трактор ажратиб беришебди) чулдан утин кесиб келишибди.

— Тут кессак, олти минг сүм жарима солишади,— дейди Завқий номли мактаб укувчиси Мухтаров Топтемирова. Жаримани қуятуринг-а, кўкарсан дарахтни кесишининг узи қантчилик гуноҳигини айтинг! Қишида совук қувурлар ўтган уйларда жон саклашучун, ахир, нимадир қилиш керак-да! Қишлоғингизга газ ўтган, деб кумир бермай қуйишган булса.

— Газимиз бор, дейишимиз кулгули, — дейди бօғча тарбияланувчиси Беҳзод Кимсанов. — Яқинда мактабга чиқаман. Бօғчам совук, мактаб ҳам совук экан, деб тургандим, ўюн уччалик совук эмас, дейишибди акаларим. Янги йил кунлари — бор-йуги уч кун газимиз ёнди. Уша вақтда бизнинг газимиз ҳам ёнди дегандим, нега ёнганини биласанми, дейишибди дарор.

— Йук.

— Эртасигаёт газнинг пулини тұлаптап, деб келиб пул йигиб

кетишибди-ку.

— Қишида дараҳтларни кесиб қозон қайнаттанимиз рост,— дейди Беҳзоднинг онаси. — Қүшнилар бирлашиб, чулдан дараҳт келтирганимиз, уни ургада булиб олганимиз ҳам.

1 октябрда учган газ 1 апрелда

яна гуриллаб ёна бошлайди...  
Оналар байрами куни нега буларни эсладик? Оналарга шароит яратайлик, дедик. Утин, кўмир ташиб, сандал ва учқоқ кулини олиб юргунча умид билан устирган ўсмасини қўйиб, пардоҳ-андоз қилишга вақт топишсин улар, дедик.

.Хурматли газетхонлар! Байрам баҳона, сизларга оналаримиз буюклиги, опаларимиз суюклиги, сингилларимиз чеварлиги синфдош қизларимиз элсеварлиги ҳақида қайта-қайта тақорлапши лозим топмадик. Балки опа-сингилларимизга, синфдош, маҳалладош қиз-

ларга эътиборли булинг. Уларниг оғирини енгил қилиб, ишончини оқланг демокчимиз. Қаҳратоннинг қаҳрини юмшатиб 8 Март кириб келгани ҳам аёллар меҳри, муҳаббатига ишора эмасми? БАЙРАМИНГИЗ КҮТЛУГ БУЛСИН!

**БОШ МУХАРРИР.**





**Толиб Йўлдош**

**ПУШЧАМУДА**  
— Тушимда мен  
кatta булиб,  
қолганмишман,  
Катта булиб,  
машина олганмиш-  
ман.  
— Шунча пулни  
қатдан  
олдинг  
ишламасдан?

Карим сўрар  
Холмўминдан  
ишонмасдан.

— Топибман-да,  
буни  
кимдан сўрар эдим.  
— Мен ҳам бир вақт  
шундай тушлар кўрар  
эдим...  
\*\*\*

**Шодивой шошиб**  
қолди—  
**Конфетимни ким**  
олди?  
Хозиргина оғзимда  
Турган нарса  
йўқолди.

\*\*\*  
Яхши бола елкасида,  
Уласини овутади.  
Ёмон бола араз  
қилиб,  
Иссиқ ошин  
совутади.

Күёш уфқа гилдирар,  
Олма баргин тўқмоқда.  
Кўён хурсанд пилдирар  
Кўшиқ айтиб сўқмоқда.

Чопаянти дўйг, қирдан  
Кўшигининг мавжид.  
Қокилди-ку у бирдан  
Хиргойининг авжид.

Жуда ёмон ийқилди,  
Тупроқ бўлди тумшуғи.  
Томоғига тиқилди  
Айтаётган кўшиғи.

**СЎҚМОҚДАИ ВОКЕА**

Атайнмас, сезмасдан  
Сизга қоқилиб кетдим.

Ўзин тийди сўқмоқда.  
Бироз ётди-налпайиб.  
Қарасаки, сўқмоқда  
Арслон ётар ялпайиб.

Титраб кетди боязи,  
Не дейишин билмасди.  
Арслон эса беташвиш  
Ётар эди, жилмасди.

Кўён дер кўз узмасдан:  
— Мен бечора... мен... етим,

— Узринги қўй, эй филай,  
Аҳволимни бил олдин.  
Кара, жўра, не қиласай?  
Копқонга тушиб қолдим.

Зимдан боқар у шу дам,  
Қарар яқин-узоққа.  
Арслон бўлса чинданам  
Асири эди тузоққа.

Кўён кучга тўладек,  
Деди: — Тошдек қотибсан!  
Йўлгинамда гўладек  
Нима қилиб ётибсан??

Шундай деб «қўрқмас»  
Кўён,  
Заҳрини сепиб кетди.  
Аланглаб у ён-бу ён  
Арслонни тепиб кетди.  
Юсуф МИРЮСУФЗОДА.

**ЗИРАПЧА**

Хонага кирган боладан  
шифокор сўради:

— Хуш, қаеринг оғриди?

— Ҳеч қаерим оғри-  
маяпти.

— Унда нега келдинг?

— Варрак ясайман деб,  
мактабга бора олмадим,  
справка берсангиз?

Шунда шифокор «Вар-  
рак ясайман деб, мактабга  
бора олмади» дея ёзиг бе-  
риди.

\*\*\*

— Муроджон, нега Ҳалима опангга салом бер-  
мадинг? Касал бўлганинга даволаганлар-ку се-  
ни!

— Салом берсам, яна  
укол қилишни бошлаб

юборадилар-да!

\*\*\*

— Энди сен билан ўр-  
тоқ бўлмайман, жуда сў-  
кағонсан!

— Унда нега шу маҳал-  
гача ўртоқ бўлиб келди-  
нг?



— Сўкишни ташлайсан-  
ми, деб ўйлагандим.

— Сўкиш пуч ёнғоқми-  
ди ташлайдиган, тентак!



— Ўида тўп тепганинг жазосини энди ким бераркин?  
Дадамми, аямми ёки опам?

Рассом Маҳмуд

Эшонкулов.

**БАҲОНАЛАР КИТОБИ**

5-синф ўқувчиши Ёлғон Баҳонаев баъзи кунлар-  
да дарсларга кечикиб келар экан. Ўқитувчиши нега  
кечиканини сўраса, турли хил баҳоналар билан  
кутулар экан. Нега дейсизми? Ёлғонбой соатимиз  
тухтаб қолди, портфелимни тополмадим каби ба-  
ҳоналардан 300 тасини тўплаган экан. Бу баҳона-  
лар нашриётда бир томлик китоб бўлиб чиқди.

**«ЗИРАПЧА» ХАБАРЛАРИ**

Ҳадемай мактаб ўқувчиларининг қўлларига етиб  
борса ажаб эмас.

**ОШПАЗГА ҲАЙКАЛ**

Мактаб ошпази Жаҳлҳон Ичиқораевага мактаб  
ҳовлисида катта ҳайкал ўрнатилди. Бу ҳайкал ош-  
паз холанинг овқатларидан чиққан тош, гишт  
бўлаклари ва курмаклардан ясалган.

**ВАЪДА**

Билмасвой Танбалов, аълочи Ақли Доноевага  
уй вазифасини ёзиг беришни илтимос қилди.  
Билмасвой кейинги йил аълочи булишга тантана-  
ли ваъда берди.

**Мактублар  
КУТИСИ  
САНОК**

У болалигиданоқ санашни  
урганди. Үқиши ёшига етиб,  
мактабга борганида тўрт амал,  
карра жадвалини ёд олди. Кап-  
тар, ошиқ, танга-чақаларни са-  
найдиган бўлди.

Саккизинчини амал-тақал  
қилиб битиргач, ошпаз отаси  
шогирдликка олиб, сомса,  
мантини санаб сотишга кўйди.  
Бир йил ўтга у «ўсади». Оек-  
қўли сингилгина эканлигини  
кўрган умумий овқатланиши  
корхонаси директори унга пи-  
во дўконини берди. Энди пи-  
вохурлардан чутал қилинган  
«купик пули»ни санай бошла-  
ди.

Дарвоҷе, қингир ишнинг  
қийиги чиқиб, у қулга тушиб-  
ди. Ҳозир эса кун санаб ути-  
рибди.

Ҳўжамурод  
ТОШТЕМИРОВ,  
Сурхондарё вилояти,  
Ангор тумани «Илгор»  
рўзномасининг  
муҳаррири.

**ҚАЕРДАН****ТОПЛАМИЗ?**

дан ажralиб тўриши керак-ку.  
Ана шуларни ўйлаб, Тошкент  
шаҳридаги кўпгина магазинлар-  
ни ахтариб, ўзимга мактаб формаси  
тополмадим. Ўйлай-ўйлай  
«Зирачча»да шу ҳақида  
ёзигини ўқиб, сизларга му-  
рожаат қилишга мажбур бўлди.  
Айтинг, мактаб формаси  
қасрдан топамиз.

Севара ИСОҚЖОНОВА,  
Юнусободдаги 274-  
мактаб ўқувчиши.



Рассом Абдурасул Ҳакимов.

**ТОНГ ЮЛДУЗИ**

**Муассислар:**  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛК ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ

**Бош  
муҳаррир  
Умида  
АБДУАЗИМОВА**

Таҳрир ҳайъати:  
Наримон ОРИФЖОНОВ,  
Омон МАТЖОН,  
Гулнора Йўлдошева,  
Марат ШАФИЕВ,  
Феруза ЖАЛИЛОВА.

- Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
- Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-йи.
- Нашр кўрсаткичи: № 64563
- Телефон: 33-44-25